

2024
5-son

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274

| | | | |
|--|-----|--|-----|
| Iqbol Qurbanova | | Бахром Хидиров | |
| KAYKOVUSNING "QOBUSNOMA" ASARIDA KELTIRILGAN PEDAGOGIK G'OYALARING TALQINI..... | 494 | РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК БИЛIMLAR КОНТЕКСТИДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... | 570 |
| Ashraf Ishonkulov | | Dўстназар Химматалиев | |
| SPORTCHILARNING JISMONIY KO'RSATKICHLARINI MONITORING QILISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR..... | 498 | ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ | 574 |
| Gulmira Kurbonova | | To'lqinjon Eshquvvatov | |
| BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOLLABORATIV O'QITISH MUHITINI SAMARALI TASHKIL ETISH | 504 | TA'LIM JARAYONIDA NIZOLI VAZIYATLAR PROFILAK-TIKASINING ILMIY METODOLOGIK ASPEKTLARI..... | 577 |
| Isabek Xolbayev, Munavvar Fayzullayeva | | Nazar Hayitov | |
| NAI(TL) SSINTILLYATSION DETEKTORI ASOSIDAGI INSPECTOR-1000 QURILMASIDAN RADIOAKTIV MATERIALLARNING IN SITU GAMMA-SPEKTROMETRI SIFATIDA FOYDALANISHNI TADQIQ QILISH..... | 506 | ДУНЁДАГИ ХИТОЙ ДИАСПОРАСИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ | 582 |
| Zulkumor Mirzayeva | | Umid Yakubov | |
| MUSTAQIL TA'LIMNI TASHKIL QILISHDA O'QITUVCHINING PEDOGOGIK MAHORATI VA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVI..... | 516 | TALABALARDA BOSHQARUVGA DOIR KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH TIZIMI..... | 587 |
| Zoir Tangirov | | Nilufar Matkarimova | |
| MILLIY XALQ O'YINLARINING PEDAGOGIK MOHIYATI .. | 519 | STEAM TEKNOLOGIYASINING QO'LLASH USUL VA VOSITALARINING NAZARIY ASOSLARI..... | 599 |
| Usman Turumbetov | | Marjina Abdisodiqova | |
| SPORT TURIZMIDA XAVFSIZLIK QOIDALARINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI..... | 522 | TALABALARNING ILMIY TADQIQOTINI TA'LIM TEKNOLOGIYASI SIFATIDA TASHKIL ETISH TAHLILI | 601 |
| Nuriddin Saloxiddinov | | Eldar Kurbanov, Maftuna Gofurova | |
| RIVOJLANGAN MAMLAKATLARDA POLITSIYA MAKTABLARIGA YANGI QABUL QILINGAN O'QUVCHILARNI BOSHLANG'ICH KASBIY TAYYORLASHNING O'ZIGA XOSLIGI (GERMANIYA VA FRANSIYA MISOLIDA) | 525 | O'ZBEKİSTONDA DEMOKRATIK TARAQQIYOT SAMARADARLOGINI OSHIRISHDA BOSHQARUVNING "INNOVATION USULLARI" DAN FOYDALANISH..... | 606 |
| Munisa Xatamova | | Nodira Kushieva | |
| PISA ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISH | | EDUCATIONAL CLUSTER: THE USAGE OF STEAM TECHNOLOGY IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO THE ELEMENTARY EDUCATION | 612 |
| Moxichexra Islamova | | Sabogul Botirova | |
| TALABALARNING TANQIDIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA SHAXSIY MOTIVLARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI..... | 533 | BO'LAJAK KIMYO O'QITUVCHILARINING INNOVATSION TADQIQOTCHILIK KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI | 616 |
| Umida Alibayeva | | Maftuna Qarshiboyeva | |
| AKADEMIK LITSEYLAR INGLIZ TILI O'QITUVCHILARINING SO'ZLASHISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI | 537 | MUSIQA TA'LIMI ORQALI O'QUVCHILARNING KOGNITIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI..... | 620 |
| Obidjon Nabiyev | | Mirzobek Rasulov | |
| MADANIYATLARARO ALOQA VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING ROLI..... | 539 | KIMYOVIY EKSPERIMENTLARNI TASHKIL QILISH ORQALI O'QUVCHILARDA TANQIDIY FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY PEDAGOGIK IMKONIYATLARI | 624 |
| Iqbol Qurbanova | | Habibullo Sadibaqosev | |
| KAYKOVUSNING "QOBUSNOMA" ASARIDA KELTIRILGAN PEDAGOGIK G'OYALARING TALQINI | 543 | AQSHNING OSIYO-TINCH OKEANI MINTAQASIDAGI XAVFSIZLIK TASHABBUSLARI | 629 |
| Olmosbek Choriyev | | Musurmon Xurramov | |
| CHIZMACHILIK FANINI O'QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH USUL VA VOSITALARI | 547 | O'ZBEKİSTON-QOZOG'ISTON MUNOSABATLARIDA MINTAQAVIY HAMKORLIK MASALALARI | 634 |
| Dilrabo Mukumova | | Zulayxo Ismatova | |
| TA'LIM JARAYONIDA SINERGETIK YONDASHUV..... | 552 | BOSHLANG'ICH TALIM TABIIY FANLAR DARSALARIDA AMALIY ISHLARNI TASHKIL ETISHNING AHAMIYATI | 641 |
| Гулруҳ Искандарова | | Malika Tursunova | |
| УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 556 | BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH – PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA..... | 645 |
| Мухлиса Омонова | | Ziyoda Muratxodjayeva | |
| БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА ЗАМОНАВИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ | 560 | BOSHLANG'ICH TA'LIMDA CLIL METODIKASI ASOSIDA O'QUV FAOLIYATINI TASHKIL ETISH | 648 |
| Дилдора Ортиқова | | Dilrabo Xodiyeva, Intizor Nazarboyeva | |
| ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАЪЛИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҶУВ-БИЛИШ МОТИВАЦИЯСИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ | 563 | BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI XALQ OG'ZAKI IJODIDAN FOYALANIB KITOBXONLIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI YO'LLARI | 652 |
| Жамишид Ҳакимов, Музаффар Абралов | | | |
| СОЦИАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ ПЕДАГОГА В КОНТЕКСТЕ ПАРАДИГМАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ | 566 | | |

- не затрагивать его личности, особенностей его семьи, давать оценку только его конкретным действиям;
- дать себе и учащемуся право на ошибку, не забывая, что «не ошибается только тот, кто ничего не делает»;
- независимо от результатов разрешения противоречия постараться не разрушить отношений с учащимися (высказать сожаление по поводу конфликта, выразить свое расположение к учащемуся);
- не бояться конфликтов с учащимися, а брать на себя инициативу их конструктивного разрешения.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Xakimov J.O. Ta'limda axborot texnologiyalari. Darslik. – Toshkent, “Shamsuddinxon Boboxonov” NMIU, 2022. – 274 b.
2. Khimmataliev D., Khakimov J., Daminov O., Rakhmatova F., Criteria and indicators for assessing the level of professional training of future teachers of vocational training at a training module. Journal of Critical Reviews. 428-431 pp.
3. J.Khakimov. Development of design competence of future engineers through studying engineering graphics. Universum: технические науки : электронный научный журнал. 2024, № 4(121). 9-10 c.
4. J.Khakimov. The role of multimedia in developing students' information design competence. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research. Vol. 11 No. 04 (2024). Pages 161–168.
5. Хакимов Ж.О., Рахматова Ф.М. Формирование готовности студентов к профессиональной проектно-конструкторской деятельности на основе интегративного подхода. Рецензируемый научный журнал «Цифровая трансформация». Том 30, № 2 (2024). 11-15 с.
6. Khakimov J.O. Documenting procedures for implementing the process of project teachers to computer projects. International Journal of Advanced Science and Technology. 019, 28(20), pp. 881–889.
7. Xakimov J.O., Jalilov A.A. Yangi informatsiyani taqdim etishning faol metodlari. “Innovatsion texnika va texnologiyalarning muammo va istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy va ilmiy-texnik anjumani. Ilmiy ishlar to‘plami. – Toshkent. ToshDTU, 5-6 aprel, 2019. – 421-423 b.

**РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАР
КОНТЕКСТИДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ КАСБИЙ
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Бахром Хидиров,
Сурхондарё вилояти
Олтинсой туманидаги 2-сонли
касб-хунар мактаби директори**

Аннотация

Хар қандай саноат ишлаб чиқаршишининг асосини муҳандислар ташкил қилади. Раҷамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажасак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини тақомиллаштириши режсалаштириши, илмий ва бошқа маълумотларни қидириши, уни қайта ишлари, тизимлаштириши ва сағлаши, контент таҳлилини ўтказиши, илгор педагогик тажрибани олиши, ўрганиши ва таҳлил қилиши ва бошқаларни ўз ичига олади.

Мақолада шахснинг ўзини ўзи англишини ва унинг касбий фаолият соҳасидаги муваффақиятини таъминлайдиган турли хил фаолият турлари, шахсий фазилатлар ва касбий фаолиятдаги универсал кўнкимга ва қобилияtlар тўпламини шакллантириши учун рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Компетенция, дастур, фазилат, фаолият, кўнким, қобилият, саводхонлик.

Аннотация

Инженеры – основа любого промышленного производства. Совершенствование методики подготовки будущих инженеров к профессиональной деятельности в условиях цифровых технологических и педагогических знаний включает планирование, поиск научной и другой информации, ее обработку, систематизацию и хранение, проведение контент-анализа, получение передового педагогического опыта, обучение и анализ. и т. д.

В статье освещены вопросы подготовки будущих инженеров к профессиональной деятельности в условиях цифровых технологических и педагогических знаний для формирования совокупности различных видов деятельности, личностных качеств и универсальных навыков и умений в профессиональной деятельности, обеспечивающих самосознание человека. и его успехи в сфере профессиональной деятельности.

Ключевые слова. Компетенция, программа, добродетель, активность, умение, способность, грамотность.

Annotation

Engineers are the foundation of any industrial production. Improving the methodology of training future engineers for professional activities in the context of digital technological and pedagogical knowledge includes planning, searching for scientific and other information, its processing, systematization and storage, content analysis, obtaining advanced pedagogical experience, training and analysis. etc.

The article covers the issues of training future engineers for professional activities in the context of digital technological and pedagogical knowledge to form a set of various types of activities, personal qualities and universal skills and abilities in professional activities that ensure a person's self-awareness. and his success in the field of professional activity.

Key words: Competence, program, virtue, activity, skill, ability, literacy.

Фаолият назариясига асосланган ҳолда педагогик шароитларни ташкил этиш, техника олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш бўлажак мутахassisларни касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш, бўлажак муҳандисларни касбий ўсишини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Рақамли технологик жараёнлар ва улар билан боғлиқ бўлган саноат ва умуман жамиятдаги ички ўзгаришлар жуда тез суръатлар билан содир бўлмоқда. Кўплаб саноат корхоналари мутахassisлари аксарият қисмининг малака даражаси буғунги кун талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун корхоналарда рақамли технологик ва педагогик билимларни тўлиқ эгаллаган бўлажак муҳандисларга эҳтиёж катта.

Сўнгги йилларда педагогика фани ва амалиётида “таълим технологиялари” атамаси энг оммабоп ва тез-тез ишлатиладиган атамалардан бирига айланди. Бу муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим ва бошқа муайян ўқув фанини ўқитиш технологиясини англатади.

Адабиётлар таҳлили. Таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг педагогик асослари, электрон таълим муҳитини ташкил этиш, электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва қўллаш масалалари А.Абдуқодиров [1], М.Арипов [3, 45], У.Бегимқулов [4, 74]лар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан В.М.Монахов [5,126] ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўқитишининг янги, илғор технологияларини излаш ва қўллаш қўзланган натижага – ўзининг интеллектуал имкониятлари ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун юқори малакага эга бўлган мутахassisни тайёрлашга олиб келади. Бундай натижага эришиш учун, таълим ва тарбия мазмунини касб-хунар таълими мақсадларини белгилашдан бошлаб, бутун олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва

амалга ошириш технологиясини қайта кўриб чиқиш зарур. Таълим технологиясининг тизимли асосларини куриш долзарб илмий вазифа бўлиб, тадқиқот мавзусини танлашни белгилайди.

Ҳар қандай саноат ишлаб чиқаришининг асосини муҳандислар ташкил қиласди. Рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш қуидагиларни ўз ичига олади: режалаштириш; илмий ва бошқа маълумотларни қидириш; уни қайта ишлаш, тизимлаштириш ва сақлаш; контент таҳлилини ўтказиш; илфор педагогик тажрибани олиш, ўрганиш ва таҳлил қилиши.

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги вақтда кўплаб илмий нашрлар муҳандис кадрларини тайёрлаш муаммосига бағишлиланган бўлиб, уларда асосан қуидаги жиҳатларга эътибор қаратилади:

1) мутахассисни муваффақиятли тайёрлаш учун шароитлар - мотивацияни ривожлантириш, стрессга чидамлилик ва ижодий салоҳият, “юмшоқ кўникмалар” деб аталадиган қобилияtlарни ривожлантириш;

2) фанлар ўртасида чукур фанлараро алоқаларни ривожлантириш зарурати, чунки замонавий муҳандислик фаолияти инновацион ва мураккаб хусусиятга эга;

3) рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш таълим майдонини ахборотлаштириш;

4) муҳандиснинг касбий компетенциялари таркиби;

5) бўлажак муҳандисни халқаро технологик ҳамкорликка тайёрлаш.

Рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш зарурати олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларининг аксарияти саноатдаги сўнгги “рақамли” ютукларни хисобга олмасдан, талабаларнинг “аналог” форматда касбий компетенцияларини шакллантиришни ўз ичига олишидан келиб чиқади. Олий касбий таълимнинг асосий вазифаси, рақамли технологиялардан ва янги ишлаб чиқаришдан самарали ва мослашувчан фойдаланиш, ижтимоий тартиб ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ профессионал кадрлар тайёрлашдан иборат.

Рақамлаштириш шароитида муҳандислик таълим йўналишларининг ишчи дастурларини янгилаш қизиқарли ва муҳим иш хисобланади. Бизнинг фикримизча, бундай фанларни ўрганиш жараёнини талабалар фан бўлимларига рақамли компонентларни киритиш орқали ИТ ва рақамли технологиялар соҳасида билим олишлари учун мослаштириш керак. Шу муносабат билан, ишчи дастурлар бўлимлари мазмунига маълум ўзгаришлар киритиш керак.

Таҳлил ва натижалар. Олий техник маълумот олиш жараёнида бўлажак муҳандис, мутахассисларнинг психолого-фазилатлари ҳам муҳим омил ҳисобланади. Профессионал ва гайратли мутахассисни шакллантириш учун фаол ва интерактив ўқитиши усусларидан фойдаланган ҳолда ўқитиши катта самара беради. Таълим йўналишлари бўйича бўлажак муҳандисларни тайёрлаш жараёнида “Метрология”, “Муҳандислик математикаси”, “Дастурий таъминот билан бирламчи кўникмаларни олиш учун ўқув амалиёти”, “Материалшунослик” каби ўқишининг биринчи босқичларида ўрганиладиган фанларни рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида ўқитиши катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир фан маълум бир компетенциялар мажмуасини шакллантиради, уларнинг умумийлиги асосий касбий таълим дастурининг ўқув натижаларини тўлиқ камраб олади [2]. Ушбу фанлар шахснинг ўзини ўзи англашини ва унинг касбий фаолият соҳасидаги муваффақиятини таъминлайдиган турли хил фаолият турлари, шахсий фазилатлар ва касбий фаолиятдаги универсал кўникма ва қобилияtlар тўплами каби бир қатор ўзаро боғлиқ компетенцияларни шакллантиради.

Бу компетенциялар:

- универсал - жамоада ишлаш, етакчи бўлиш, тизимли ва танқидий фикрлашга эга бўлиш, касбий фаолият вазифаларини таҳлил қилиш, ахборот қидириши аниқлаш ва амалга ошириш, ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун уни тартиблаш ва бошқалар [6, 12];

- умумий касбий - ахборот ва компьютер саводхонлигини билиш, тадқикот муаммоларини ҳал қилиш ва бошқалар;

- касбий - илмий-техникавий адабиётларни, меъёрий-лойиҳавий хужжатларни қидириш ва таҳлил қилиш, касбий фаолият обьекти тўғрисида маълумот тўплаш, техник шартлар ва ҳисоб-китобларнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чикиш, лойиҳа хужжатларининг ягона тизимиға мувофиқ ҳисоб-китобларни бажариш ва бошқалардан иборат.

Касбий фаолиятни тўғри ва узлуксиз бошқариш учун ўқитувчи маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари, талабаларнинг ўз-ўзини тайёрлаш ва амалий машғулотлар давомида ўқитишнинг ташкилий шаклларидан фойдаланади. Педагогик амалиётда метод деганда таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг қатъий белгиланган фаолияти усуллари тушунилади, улар ўқув ва таълим жараёнининг турли мақсадларига эришишга қаратилган ва пировард натижада ушбу жараённинг натижаларини белгилайди.

Рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак мухандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш юқорида қайд этилган фанларни ўрганишда фаол ва интерактив ўқитиш методларини қўллашни назарда тутади. Масалан, маъруза ўқув материалини иллюстрация, намойиш қилиш ва видео тақдимот усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади: биринчидан, сўровнома (Google формаси шаклида), қолдиқ билим тизими (мактаб билимлари ёки мактабда ўргангандар), келгуси ўрганиладиган материал бўйича белгиланади; кейинги ўрганиш турли сценарийларга асосланади - асосий контурни тузиш, “Биламан, билмайман, билишни хоҳлардим” жадвалини тўлдириш ва ҳоказо. Бундай ёндашув билан маъруза бир қатор функцияларни бажаради: ахборот, туртки беради, турли ҳодиса ва тушунчаларни тушунтиради, тизимлаштиради ва тузади.

Маъруза машғулотлари фан бўйича фундаментал билимларни ўз ичига олади, бу билимларни муаммоларни ҳал қилишда қўллаш ва тадқикот кўникмаларини ривожлантириш тестлар ва лаборатория ишларида қўлланилади. Амалий ва лаборатория ишлари нафакат ҳисоблаш ва экспериментал масалаларни ечиш машқлари сифатида амалга оширилади, балки бўлажак мухандислар дастурий таъминот ёрдамида олинган натижаларни текширадилар (моделлаш учун MathCAD, MATLab дастурларини ишлатадилар) ва диаграммалар ва гистограммалар тузадилар. Бундай дарсларда ўйин усуллари қўлланилади (ишлаб чиқариш, симуляция, ташкилий ва фаолиятга асосланган ва бошқалар).

Хулоса ва таклифлар. Рақамли технологик ва педагогик билимлар контекстида бўлажак мухандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришда тажриба-синов ишлари катта рол ўйнайди, улар асосан икки ёки уч кишидан иборат кичик гуруҳларда амалга оширилади, бу уларни биринчи йилдан бошлаб касбий фаолиятга имкон қадар яқинлаштиради. Амалий машғулотлар ҳам касбий маҳоратни ривожлантиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш моделлари ва уларнинг синфлари. // Ж. Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2004. – № 5. –Б. 50-56.
2. Адольф В.А. Особенности реализации программы формирования профессионально ориентированных управлеченческих умений будущих магистров/ В.А.Адольф, С.Н. Москвитин//Вестник КГПУ им. В.П. Астафьевыа. - 2020. - № 1(51). - С. 37-47.
3. Арипов М. Internet ва электрон алока асослари. –Тошкент: Университет, 2000. – 132 б.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.
5. Монахов В.М. Введение в теорию педагогических технологий: Монография. – Волгоград: Перемена, 2006. – 319 с.

6. И.Д.Фрумин, М.С.Добрякова, К.А.Баранников, И.М.Реморенко. Универсальные компетентности и новая грамотность: чему учить сегодня для успеха завтра. Предварительные выводы международного доклада о тенденциях трансформации школьного образования. - М.: НИУ ВШЭ, 2018. - 28 с.

ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Дўстназар Химматалиев,
Чирчик давлат педагогика университети
профессори, педагогика фанлари
доктори

Аннотация

Индивидуал ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ишилаш қобилиятларини ривожлантириши ўқув фаолиятини яхшилайди, кучли талабалар қийинроқ бўлган ва қўшимча маълумот берувчи вазифалардан завқланишиади. Индивидуал ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ишилаш қобилиятларини ривожлантириши самарадорлиги кўп жисхатдан уни назорат қилишининг фаол усуллари мавжудлиги билан белгиланади. Мақолада талабалар мустақил ишини назорат қилиши турлари, мустақил иши вазифалари ва талабаларнинг мустақил ишилаш қобилиятларини ривожлантириши масалалари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Вазият, муаммо, усул, вазифа, қобилият, ёндашув, муваффақият, кўникма.

Аннотация

Развитие навыков самостоятельной работы учащихся на основе индивидуального подхода повышает успеваемость, а сильные ученики получают больше удовольствия от более сложных и познавательных задач. Эффективность развития навыков самостоятельной работы студентов на основе индивидуального подхода во многом определяется наличием активных методов ее контроля. В статье описаны виды контроля за самостоятельной работой студентов, задачи самостоятельной работы и вопросы развития навыков самостоятельной работы студентов.

Ключевые слова. Ситуация, проблема, метод, задача, способность, подход, успех, навык.

Annotation

Developing students' independent work skills based on an individual approach improves academic performance, and strong students get more pleasure from more complex and cognitive tasks. The effectiveness of developing students' independent work skills based on an individual approach is largely determined by the presence of active methods of its control. The article describes the types of control over students' independent work, the tasks of independent work and the issues of developing students' independent work skills.

Key words: Situation, problem, method, task, ability, approach, success, skill.

Олий таълимни ривожлантиришнинг глобал тенденцияларида талабаларнинг мустақил ишлари улушининг ортиши ва асосий эътиборни ўқитишдан ўрганишга ўтиш тенденцияси аниқ кузатилмоқда. Шу муносабат билан индивидуал ёндашув асосида талабаларнинг мустақил ишилаш қобилиятларини ривожлантириш уларнинг мустақил ишилаш кўникма ва малакалари тизимини шакллантириш, мустақил фаолият маданиятини тарбиялаш зарурлиги аён бўлади.

Замонавий таълим жараёнида мустақил иш зарур маълумотларни мустақил излашни, синф дарсларида ўқув материалини ижодий идрок этиш ва тушуниш, дарсдан ташқари вақтда, таҳлилий қобилиятларни ривожлантириш, ўқув вақтини назорат қилиш ва режалаштириш кўникмаларини шакллантириш, ўқув ишларини оқилона ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришни таъминлашга қодир бўлган таълимни ташкил этишнинг бир шакли сифатида қаралади [1, 24].